

касаликлари энг юкори самара берган Республикамизда
фаолият юритаётган "Агроким" МЧЖ томонидан ишлаб

чиқарилаётган Геркулес 6% с.э.сус.-0,5 л/т сарф-меъёрида
қўллаш юкори самара беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Алексеев Н.В., Мельничук Т.Н. Микробные препараты антифунгального действия для защиты нута от болезней.// Таврический вестник аграрной науки. - № 2(4). - 2015. - С. 9-15.
2. Бидай В.И. Фузариоз. - Киев: Наука. - 1977. - 439 с.
3. Борзенкова Г.А. Видовой состав и патогенные свойства возбудителей фузариозной корневой гнили гороха в условиях средней полосы России.//Сб. науч. трудов «Вопросы физиологии, селекции и технологии возделывания сельскохозяйственных культур» – Орел. – 2001. - С. 242–247.
4. Григорук В.В., Климов Е.В. Органическое сельское хозяйство в Республике Казакстан.//Сб.тр. "Качество жизни населения"/Агентство по статистике РК 11. – Астана. – 2014. - С. 53-61.
5. Зотиков В.И., Бударина Г.А., Голопятов М.Т. Опасные болезни гороха и особенности технологии возделывания культуры в условиях центрального и южного федеральных округов.//Научно – производственный журнал «Зернобобовые и крупяные культуры». - №3(11). - 2014. – С. 27.
6. Корейбеков А.С. Использование биопрепаратов против болезней зернобобовых культур в условиях Приобья: автореф. канд. сельхоз. наук. – Новосибирск. - 2013. – С. 23.
7. Русских И.А. Болезни фасоли в Белоруссии.//Защиты и карантин растений. - №3. – 2012. – С.17-18.
8. Филлипова Г.С. Агроэкологические аспекты применения химических и биологических средств защиты гороха от болезней и вредителей: автореф. канд. сельскохозяйств. наук. – Курск. - 2008. – С. 23.
9. Чумаков А. Е. Грибные болезни. Основные методы фитопатологических исследований. - Москва. "Колос". - 1974. - С. 70-106.
10. Chand Hari, Khirbat S.K. Chickpea wilt and its management - a review// agricultural reviews 30 (1) : Hisar India 2009. 1 – 12 pp.

УЎТ: 665.345.4

ЎҚИНИШ, ЭЪТИБОР ҚАРАТИНИШ

НҲХАТ ОРАСИДА УЧРАЙДИГАН БИР ВА КЎП ЙИЛЛИК ИККИПАЛЛАЛИ БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, МИҚДОРИ, УЧРАШ ДАРАЖАСИ

Турдиева Нилуфар Мўминовна,
профессор,
Абдулазиз Юлдошев, Акбар Умаров,
илмий тадқиқотчилар,
Қаландарова Мафтуна Мажитовна,
катта илмий ходим,
Дилнура Тоғаева, Шохрух Тоғаев,
АГТУ талабалари.

Аннотация: Бегона ўтлар қишлоқ хўжалиги экинларини ҳосилдорлигини ва сифатини камайтиради. Экинзор бегона ўтлар билан ўртача зарарланганда умумий ҳосилдорлик 20-25% га камаяди, кучли зарарланганда эса мутлақо ҳосил олинмаслиги мумкин.

Калим сўзлар: гербицид, препарат, иккипаллали, бегона ўтлар, маккажўхори, биологик самарадорлик.

Аннотация: Сорные растения снижают урожайность сельскохозяйственных культур, ухудшают качество продукции. При средней засоренности посевов урожайность снижается на 20-25%, а при сильной засоренности вообще можно не получить урожая.

Ключевые слова: гербицид, препарат, двудольные растения, сорные растение, кукуруза, биологическая эффективность.

Abstract: Types and quantities of weeds in mosh fields, rate of occurrence. The Weeds reduce the productivity of the agricultural cultures, worsen the quality to product. Under average sowing productivity falls on 20-25%, but under strong in general possible not to get the harvests.

Key words: herbicide, preparation, dicotyledonous plants, weed plant, corn, and biological effectiveness.

Дунё деҳқончилигида **нҲхат** ўсимлиги 10,2 млн га майдонга экилган бўлиб, шундан энг кўп яъни 8 млн. гектари Ҳиндистоннинг ҳисобига туғри келади. Экиш майдони жиҳатидан эса бу давлат дунёда учинчи ўринни эгаллайди.

Деградацияга учраган ерлар дунё бўйича энг катта экологик муаммони келтириб чиқармоқда. Деҳқончилик билан шуғулланиш қишлоқ аҳолисининг асосий даромад манбаи эканлигини ҳисобга олганда деградацияга учраган ерлар

барқарор ривожланишга жиддий хавф туғдиради. Экинлар ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулотларини пасайишига олиб келади. Дуккакли экинлар етиштириш технологияларини ишлаб чиқиши эса бу муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда нўхат кенг кўламда экиладиган дуккакли экинлардан бири ҳисобланади. Нўхат донидан турли хил таомлар тайёрланиши билан бир қаторда баъзи қора донли навлари ем- ҳашак сифатида ишлатилади. Нўхат дони таркибидаги оқсил миқдорининг юқорилиги яъни 25-30 фоиз организмга ижобий таъсир кўрсатиб, ҳазмланиш жараёни осонлашади.

Шунга қарамайдан нўхатга жуда кўп бегона ўтлар зарар келтирмоқда. Бу ҳолат эса ўз навбатида касаллик ва зараркунандаларнинг ривожланишига сабабчи бўлади. Асосий экинлар ўзлаштириши лозим бўлган озиқ моддалар, сув ва ёруғликни юқори миқдорда ўзлаштиради. Ҳосилдорлик ва дон сифатини кескин камайтиради.

Шунинг учун нўхат орасида учрайдиган бегона ўтларнинг кўпайишини олдини олиш билан бир қаторда уларга қарши курашиш тизимини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг асосий вазибаларидан ҳисобланади. Бегона ўтларнинг кўпайиб кетишини олдини олиш учун аввало дала атрофлари, сув йўллари бегона ўтлар уруғи пишиб етилмасдан тозаланиши лозим. Бунинг учун эса нўхат орасида учраб зарар келтираётган бегона ўтларнинг тури, миқдори ва учраш даражасини аниқлаш муҳимдир.

Тажрибалар Тошкент вилояти, Қибрай тумани суғориладиган ерларида олиб борилди. Афсуски, сўнгги йилларда бегона ўтлар ниҳоятда кўпайиб кетмоқда. Уларга қарши курашиш машаққатли меҳнат талаб қилади. Тажиба

далаларининг тупроқлари органик бирикмалар билан кам таъминланганлиги аниқланди. Бунга сабаб агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли бажарилмаганидир.

Тажрибаларда икки мартадан бегона ўтларнинг тур ва миқдорлари аниқлаб борилди. Нўхатни экишдан олдин бир йиллик икки паллали бегона ўтлар 1м² майдонда: шўра қайрилган мачин - (*Amaranthus retroflexus*) - 10,4 дона, кечки олабута - (*Chenopodium album*) - 8,5, елпиғич мева олабута - (*Atriplex flabelium Bunge*) - 8,3, элма хантал - (*Fagopyrum esculentum Moench*) - 8,7, узунбарг хантал - (*Brassica elongata Ehrh*) - 4,5, ўроқмева сутлама - (*Euphorbia falcata*) - 5,8, Бухоро тугмачагули - (*Malva bucharica Iljin*) - 3,8, ўртача миқдорда 7,14 дона яъни 3 балл, жами 50 донани ташкил ташкил этди. Бу кўрсаткич ўз навбатида даланинг бир йиллик икки паллали бегона ўтлар билан ўртача ифлосланганлигини кўрсатди. Нўхатни экишдан олдин кўп йиллик икки паллали бегона ўтлар 1м² майдонда оддий отқулоқ - (*Rumex confertus Willd*) - 4,3, қирғийбарг печак - (*Convolvulus pilosellifolius Desr*) - 4,2, жами 8,5 дона яъни ўртача ифлосланган бўлсада бир ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтлар жами 58,5 донани ташкил этган. Бу ўз навбатида кучли ифлосланганлигини кўрсатди.

Тажриба натижаларининг кўрсатишича бегона ўтларнинг бир неча тури учради. Бегона ўтларни йўқотишнинг бир неча усуллари мавжуд. Уларни йўқотиш машаққатли меҳнатдир. Улар касаллик ва зараркунандалар тарқалишига сабабчи бўлади. Шунинг учун уларга қарши курашишнинг кимёвий чораларини ҳам қўллаш лозим. Кимёвий препаратлар қўллаш учун эса уларни тур ва миқдорларини ўрганишнинг аҳамияти катта. Бегона ўтларнинг ҳаддан зиёд кўпайишига сабаб атроф-муҳитни тозаласлик, ариқлар атрофидаги

бегона ўтлар пишиб етилиб уруғлари сувга тўкилиши, қуш ва ҳайвонларнинг гўнглари ва экинлар орасига ишлов берилмаганлигидир.

Натижада ҳосилдорлик кескин камайиши билан бир қаторда доннинг сифати пасаяди, истеъмолга яроқсизлиги ошади, олинадиган маҳсулотлар сифати бузилади ва турли касаллик, ҳашарот ва зараркунандаларнинг тарқалишига сабабчи бўлади. Бу эса ўз навбатида экин майдонларида учрайдиган бегона ўтларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Тажриба сўнггида гербицидларнинг алоҳида турдаги бегона ўтларга, уларнинг вазнига, маданий экинларнинг ривожланишига, олинган ҳосил сифатига таъсири ўрганилди. Кичик дала тажибаларида аниқланган истиқболли гербицидларни кенг ишлаб чиқариш шароитида синаб, уларни самарадорлиги аниқланди.

Нўхат орасида учрайдиган бир ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтлар тур миқдорлари ва уларнинг экинни зарарлаш даражаси

№	БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ НОМЛАРИ			
	Ўзбек тилида	Латин тилида	Учраши, 1 м ² да	Зарарлаш даражаси, баллар
		Бир йилликлар		
1	Шўра Қайрилган мачин	<i>Amaranthus retroflexus</i>	10,4	4
2	Кечки олабута	<i>Chenopodium album</i>	8,5	4
3	Елпиғич мева олабута	<i>Atriplex flabelium Bunge</i>	8,3	4
4	Элма хантал	<i>Fagopyrum esculentum Moench</i>	8,7	4
5	Узунбарг хантал	<i>Brassica elongata Ehrh</i>	4,5	3
6	Ўроқмева сутлама	<i>Euphorbia falcata</i>	5,8	3
7	Бухоро тугмачагули	<i>Malva bucharica Iljin</i>	3,8	2
	Ўртача:		7,14	3,42
	Жами:		50	24
8	Оддий отқулоқ	<i>Rumex confertus Willd.</i>	4,3	3
10	Қирғийбарг печак	<i>Convolvulus pilosellifolius Desr</i>	4,2	3
	Ўртача:		4,25	3
	Жами:		8,5	6
	Умумий жами:		58,5	30

АДАБИЁТЛАР:

1. Дала тажибаларини ўтказиш услублари – Тошкент, 2007. 147 б.
2. Доспехов Б.А. "Методика полевого опыта", Москва. "Колос" -1985.– С.415–418.
3. Turdieva N. and others Biological Efficiency Of Herbicide (Elymis) Against Weeds In Crops Corn. International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS) ISSN: 2643-640X Vol. 5 Issue 3, March - 2021, Pages: 179-182.
4. Turdieva N. and others Type, Ratio, Damaging Degrees Of Weeds And Effectiveness Of Herbicides Against To The Weeds, Which Meet Among Legume Crops. International Journal of Academic Management Science Research (IJAMSR) ISSN: 2643-900X Vol. 5 Issue 3, March - 2021, Pages: 66-69.

МАККАЖЎХОРИНИНГ АСОСИЙ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Мамбетназаров Асан Бисенбаевич,
қ.х.ф.ф.д., Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти,
Исамидинов Илхом Тулаевич,
қ.х.ф.н., Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти,
Юлдуз Исамиддинова,
Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти таянч докторант.

Аннотация: Мақолада маккажўхори экинидаги касалликларнинг учраши, тарқалиши ва ўсимликни ҳимоя қилиш усуллари баён этилган.

Калит сўзлар: маккажўхори, касаллик қўзғатувчи, замбуруғ, тур таркиби ва ҳимоя тадбирлари.

Аннотация: В результате изменения климата виды болезней сельскохозяйственных культур с каждым годом увеличиваются. Распространенность и вредоносность болезни кукурузы требуют изучения. В статье подчеркивается важность разработки методов защиты посевов кукурузы от болезней.

Ключевые слова: кукуруза, патогены, грибы, видовой состав, распространенность.

Дунё миқёсида маккажўхори муҳим донли ва ем -хашак экини бўлиб, жаҳон деҳқончилигида экиладиган майдони бўйича учинчи, ҳосилдорлиги бўйича эса донли экинлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Афсуски, Республикаимизда маккажўхори майдонларида турли касалликларнинг тарқалиши ва зарари етарли даражада ўрганилмаган. Касалликларни қўзғатувчи замбуруғ тури, уларга чидамли маккажўхори навлари бўйича илмий ишлар олиб борилмаган.

Касаллик қўзғатувчи замбуруғларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш зарур. Касалликларга қарши фунгицидлар, уларнинг мақбул сарф-меёрлари аниқланмаган.

Сўнгги йилларда Республикаимизда чорвачиликка ихтисослашган туманларнинг пайдо бўлиши ва чорва моллари учун озиқа захираси кенгайтирилиши, озиқа экинлар майдонларини ошиши маккажўхори ҳосилдорлигини оширишни талаб этмоқда. Бу касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишни талаб этади. Афсуски, маккажўхори ҳосили ва сифатига салбий таъсир этадиган касалликлар тарқалиши ва зарари йилдан йилга ошириб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб - қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорида ички истеъмол бозорида гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик озуқа базасини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллайиш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш белгилаб қўйилди. Шу мақсадда маккажўхори экинига зарар етказадиган касалликларга қарши кураш чораларини олиб бориш долзарб ҳисобланади. Бунинг учун олдиндан қандай касалликлар маккажўхори етиштириладиган ҳудудларда тарқалганлигини билиш зарур.

Асосий тарқалган касалликлар: пуфакчали қоракуя (*Ustilago zeae* (Beck)), чанг қоракуяси (*Sorosporium reilianum* (Kiihn.)), диплодиоз (*Diplodia zeae* Lev), фузариоз (*Fusarium verticillides*), бактерияли доғланиш (*Pseudomohos Holi*), сўталар моғорланиши (*Alternaria sp.*) ҳисобланади.

Пуфакчали қора куя касаллигини *Ustilago zeae* (Beck) замбуруғи қўзғатади. Касаллик маккажўхорининг сўтаси,

бошоқ, супурги пояси ва гуллаш пайтида кузатилади. Зарарланган аъзода катта шишлар пайдо бўлади, улар оқиш ёки қизғиш қобиқ билан қопланади. Қобиқ ёрилса ичидан қора рангли хламидоспоралар йиғиндиси кузатилади. Зарарланган қисмлар деформацияланади. Шишлар катта ҳажмда бўлади. Ўсимлик аста-секин қурий бошлайди, шишлар ёрилиб споралар ерга тушади ва шу жойда қишлайди. Касаллик барча ҳудудларда тарқалган.

Чанг қора куясини *Sorosporium reilianum* (Kiihn.) замбуруғи қўзғатади. Касаллик ўсимликни супургиси ва сўтасини зарарлайди. Супурги ва сўталар қора қопламали чанг билан қопланган бўлади. Чанг қора куяда шишлар пайдо бўлмайди, қуруқ пўстлоқ билан ўралган бўлади.

Диплодиоз касаллигини *Diplodia zeae* Lev замбуруғи қўзғатади. Касаллик ўсимликнинг майса, поя, барг ва сўталарини зарарлайди. Зарар оқибатида илдиз қисми қорая бошлайди, барг ва пояларда касаллик ўсимлик гуллагандан сўнг кўринади. Аъзоларда жигарранг чўзиқ доғлар ҳосил бўлади. Қаттиқ зарарланган поялар тез синади. Сўта донларидо оқ ғубор пайдо бўлади, оқибатта донлар пуч бўлиб қолади. Касаллик қўзғатувчи уруғ ва ўсимлик қолдиқлари ҳисобланади ва қишлайди.

Фузариоз касаллигини *Fusarium verticillides* замбуруғи қўзғатади. Асосан сўталарни зарарлайди. Сўталарда оқ, оқ пушти рангли ғуборлар билан қопланган бўлади. Секин-аста сўталар чириydi ва қобиқлар ёрилиб кетади. Оқибатда сифатсиз донлар ҳосил бўлади. Касаллик инфекцияси ўсимлик қолдиқларида қишлайди.

Бактериозни *Pseudomohos Holi* бактерияси қўзғатади. Касаллик сўталарда сутлаш пайтида ҳосил бўлади. Донларда кўнғир сўнг қорамтир ярага ўхшаш доғлар пайдо бўлади. Бу касаллик ҳосил сифатини бузади, донлар унишида катта зарар етказилади.

Сўталар моғорлаши касаллигини *Alternaria sp.* замбуруғи қўзғатади. Бу касаллик чала пишган сўталарда ва яхши сақланмаган жойларда кўп учрайди. Касаллик кўпроқ об-хаво шароитига намликга боғлиқ зарарланган донларни униб чиқишига катта зарар етказилади.

Юқорида қайд этилган касалликлар Республикаимизнинг барча маккажўхори етиштириладиган хўжаликларида